



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 24 (10.077)

2004 ЙИЛ 4 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА САТЛАР

● **БУГУН** Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгашининг, «Астро-робот» маҳалла гузариди эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими кенгашининг ҳисоб-бот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамъармаси ва «Медиал» стоматологик маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятилик 20 нафар тиш хасталиги билан оғриган болалар учун профилактик даволаш ишларининг биринчи босқичи амалга оширилди.

● **СПОРТ** анжумлари тайёрлашга ихтисослашган «Орзу» ҳиссасдорлик жамияти Германиянинг «Зингер» корхонаси билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади.

● **БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Ҳиндистоннинг «Республика кунни» байрами нишонланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

### «Камолот»

## ЮТУҚ-МУАММОЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Илгари хабар берганимиздек кеча Темир йўл транспорти муҳандислари институти маданият саройида Республика «Камолот» ЁИХи Мировод туман бўлими Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси кўтаринки руҳда, тақлиф-истақларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Анжуманда олий ўқув юртлири, коллеж ва лицейлардан сайланган 165 нафар делегатлар, туман ҳокимлиги, корхона, ташкилот, маҳалла оқсоқолларидан иборат кенг жамоатчилик вакиллари, раҳбар ходимлар иштирок этдилар.

Дастлаб «Камолот» ЁИХи Мировод туман бўлими Кенгаши раиси Бахтиёр Абидовнинг ўтган 2,5 йил мобайнида эришилган ютуқлар, бажарилган хайрли юмушлар ва ечимини ҳали топмаган муаммолар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди.

— Шу ўтган вақт давомида сафларимиз ушбу ҳаракатнинг мақсад-моҳиятини чуқур англаган, ақл-заковати билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган йигит-қизлар билан тўлиб бормоқда, — деди жумладан ўз ҳисоботида Кенгаш раиси. — Айни дамда туман бўлимида 48 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаётган бўлса, аъзоларимиз сони 23.000дан ортиб кетди. Ҳаракат таълимларида 1189 нафар ёшлар 20 дан ортиқ таълимият йўналишлари бўйича иш олиб бормоқдалар.

Жумладан, туман меҳнат, аҳолини иш би-

лан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорлик натижасида 4166 нафар ишсиз ёшлар ишга жойлаштирилди. Тижорат банкларида ўқув кредитлари ва корхоналардан ҳомийлик маблағлари олишда 1130 нафар талабага ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 457 нафар иқтидорли, истеъдодли ёшларга 4 миллион 313 минг 500 сўмлик ташкилий ва молиявий кўмак берилди. Аҳолини ва ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида 34 та оддий спорт майдончалари қурилди.

Шунингдек Бахтиёр Абидов ўз ҳисоботида эришилган ютуқлар баробарида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Отабек Умировнинг ҳисоботи ҳам тинглангандан сўнг иккала ҳисобот юзасидан қизгин савол-жавоблар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди.

Анжуманда сўз олган туман ҳокими Азиз Тураев, Республика «Камолот» ЁИХи Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, «Камолот»

## ЕТБ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) Бош котиби Жонни Акерхольм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Ўзбекистон 1992 йил 30 апрелда ЕТБ аъзоллигига қабул қилинган. 1993 йилдан пойтахтимизда мазкур ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир мамлакатимиз ЕТБнинг умумий қиймати 42 миллион эюга тенг 4200 акциясига эга.

Бугун Ўзбекистон — ЕТБнинг энг фаол ҳамкорларидан бири. Хусусан, ҳозир мамлакатимизда ЕТБ иштирокида умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик 22 лойиҳа амалга оширилаётир, яна 8 лойиҳа қўриб чиқилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этар экан, мамлакатимизнинг ушбу халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорлигида юқори баҳо берди. Бундай самарали ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.



Ҳакимжон Соли-  
хов олган сурат.

## ЕХХТ СЕМИНАРИ

Жорий йилнинг 4 февралда ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки халқаро федерацияси (ИХХХФ) билан ҳамкорликда уюштирган аёллар раҳбарлиги бўйича таълим семинарининг иккинчи босқичи ўз ниҳосига етди.

Семинарда давлат ва ноҳукумат ташкилотлари, сиёсий партия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг 20 дан зиёд вакиллари иштирок этишди.

«Жаҳон» АА.

ЁИХи Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаевлар қилинган ишлар, эришилган натижалар ёмон эмаслиги, лекин эътибордан четда қолган масалалар ҳам етарли эканлиги ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кўпчилик делегатларнинг фикр-мулоҳазалари, фикрлари инобатга олинган ҳолда иккала ҳисобот ҳам қониқарли деб топилди.

Шундан сўнг анжуман қатнашчиларининг очик овоз бериш йўли билан Бахтиёр Абидов «Камолот» ЁИХи Мировод туман бўлими кенгашининг раиси этиб сайланди. Худди шундай йўл билан назорат-тафтиш комиссияси аъзолари ва «Камолот» ЁИХи Тошкент шаҳар бўлими конференциясига делегатлар сайланди.

Шу кунни Мирзо Улуғбек ҳокимлиги анжуманлар залида «Камолот» ЁИХи Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгашининг билдирган фикр ва мулоҳазалари инобатга олиниб, фаолият қониқарли деб топилди ва кўпчилик овоз билан туман Кенгаши раиси этиб кейинги муддатга ҳам Шухрат Қўчқоров қайта сайланди.

Қизгин савол-жавоблар, очик мулоқот тарзида ўтган ушбу конференцияда туман Кенгаши назорат-тафтиш комиссияси аъзолари ва «Камолот» ЁИХи Тошкент шаҳар бўлими конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

## XXI саҳоси

Барча маълумотлардан  
олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бошланди. Унда Марказий Осиё давлатлари, АКШ, Хитой, Россия, Франция ва бошқа мамлакатлар, БМТ, ЕХХТ, ЕИ, НАТО, ЕТБ каби кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этипти.

● Қарши шаҳрида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш» дастури бўйича таништирув сафари ва «Донорлик ташкилотларининг лойиҳасига мустақил ҳамжамиятларни жалб этиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Гулистон шаҳрида Наврўз умумхалқ байрами олдидан «Азиз она юрт наволари» номли кўрик-танловнинг вилоят босқичи ташкил этилди.

● Наманган вилоят ҳокимининг фармойиши билан Наманганда жорий йилнинг февралда Меҳрибонлиқ уйи ва махсус интернет-мактабларга ёрдам бериш ойлари деб эълон қилинди.

● «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ёшлар театри жамоаси ҳамкорлигида саҳналаштирилган «Қабоҳат тузоғи-XXI» номли спектакль тақдимоти бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● British Airways компанияси амалга оширилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида кейинги кунларда трансатлантик йўналишдада қатнайдиغان тўрт самолёт қатновини вақтинчалик тўхтатди.

● АКШ Президентини Жорж Буш Ироқдаги урушдан олдин олинган разведка хизмати-нинг маълумотлари нимага асосланганини текшириш мақсадида тез кунда махсус текширув комиссияси тузилиши ҳақида хабар қилди.

● Рейтер ахборот агентлигининг маълум қилишича, Би-би-си корпорацияси Шимоллий Кореяда кимёвий қурол одамларда синаб қўрилаётганини тасвирловчи кўрсатув тайёрламоқда.

● Эроннинг жанубий вилоятлари — Форс ва Кормозганда қучли ер силкиниши қайд этилди. Зилзила натижасида қурбонлар бўлмасада, бироқ айрим эски бинолар жиддий зарар кўрган.

Бундан салкам бир ярим йил аввал — 2002 йилнинг октябрь ойида Юртбошимиз ташаббуслари билан ўсиб келаётган авлодни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб шакллантириш, ёшларнинг оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилган. Ўтган вақт давомида ушбу йўналишда бутун республикадаги каби пойтахтимизда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб барча маҳаллаларда спорт майдончалари мавжуд, умумтаълим мактабларида спорт заллари таъмирдан чиқарилган, ўрта-махсус ўқув юртиларидаги тегишли иншоотлар талабларга жавоб беради.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ҳозирги кунда шаҳримиздаги 315 та умумтаълим муассасалари, 29 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 29 та академик лицей ва 87 та касб-хунар коллежи, 289 та олий ўқув юртида 813 та спорт майдончаси, 663 та спорт зали, 35 та сузиш ҳавзаси, 2143 та спорт йўналишидаги тўғарақлар ташкил этилган.

Тахлилларга кўра, 416 минг нафар соғлом ўсмир ёшларни спорт машғулотларига жалб қилиш мумкин бўлса, шундан ўтган даврнинг биринчи ярим йиллигида атиги 23 фоизи спорт секцияларига қатнашган. 2003 йилнинг якунига қадар бу борада яратилган қулайликлар туфайли ўқувчи ёшларнинг яна 43 фоизининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига эришилди.

Пойтахтимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича республика дастури доирасида шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан ўтган вақт ичида 4,7 миллиард сўмга тенг 7 та спорт мажмуаси барпо этилиб ишга туширилди. Айни пайтда ушбу мажмуаларда кунига 3200 нафар болалар спорт билан машғул бўлишига имкониятлар очилган.

Кўрсатиб ўтилган манбалардан шунингдек 250 миллион сўмлик маблағ қурилиш ва таъмирлаш ишларига, айрим маҳаллалардаги 137 та спорт майдончаларининг қурилишига сарфланди.

Халқ таълими тизимида амалга оширилган 190 миллион сўмлик тиклаш ишлари ҳисобига 569 та спорт майдончаси ва 348 та спорт зали таъмирдан чиқарилди. Уларни тегишли спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун қўшимча 55 миллион сўм ажратилди.

Мирзо Улуғбек туманида ишга туширилган янги марказ бу ерда спорт ўйинларининг бирданига бир нечта турлари билан шуғулланиш имконияти яратилганини инобатга оладиган бўлсак, айни пайтда республикамизда ягона ҳисобланади. Майдони 1,64 гектардан иборат ушбу спорт иншоотида баскетбол, волейбол, қўл түпи билан шуғулланиш учун 10 та ёпиқ ва очиқ спорт майдончалари мавжуд, махсус иситиш мосламаси ўрнатилгани туфайли барча икклимга мослаштирилган очиқ сузиш ҳавзаси бор. «Умид» марказининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишида 159-қурилиш трестининг бунёдкорларининг алоҳида ўрни бор.

Спорт иншоотларини барпо этишда мазкур қурилиш ташкилоти катта тажрибага эга бўлсада, аммо деярли ҳар куни мутахассислар ва қурувчилар билан биргаликда ўтказилган йиғилишларда трест раҳбарияти томонидан бизнинг мажмуа юзасидан билдирган эътирозларимиз ҳамда тақлифларимизнинг барчаси эътиборга олинганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим, — деди жумладан марказнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан ўсмир-ёшлар спорт мактаби раҳбари, икки карра олимпия чемпиони, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Вера Дуонова. — Ўзаро келишув асосида олиб борилган фаолиятимиз натижасида мана шундай гўзал спорт кошонасига эга бўлдик. Қолаверса, ҳамдўстлик давлатларида бу борада қилинаётган ишларга таққослайдиган бўлсак, бундай марказ бирон-бир яқин хориждаги мамлакатда йўқ дейишимиз мумкин. Мамлакатимиз барча соҳалардагидек спортда ҳам катта ютуқ ва муваффақиятларга эришган. Бугунги кунда ҳукуматимиз ва бевосита давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолиги остида соғлом авлодни жисмоний етук қилиб тарбиялашдек катта ҳаракатга асос солинган. Бунинг маъносини шуки, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ҳар томонлама камил авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийиндир. Ўз навбатида, биз, мураббийлар фарзандларимиз соғлом, бақувват, чиниққан инсон бўлиб камол топишлари учун хизмат қилишдан чарчамаймиз ва шунга аминимизки, улар орасидан албатта

кўплари спортни ўз ҳаёт йўлларига айлантириб, олимпия ва жаҳон чемпионатларида ғалаба қозонадилар.

«Умид» марказининг бошқа спорт иншоотларидан фарқли жиҳатлари шундаки, бу ерда бир пайтнинг ўзида бир нечта спорт ўйинлари билан шуғулланиш учун яратилган шароитлардан ташқари, болаларнинг жисмоний имкониятлари-

## Болалар спортини

# КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ЎЙЛАБ

Шаҳримиздаги «Баҳор», «Шаҳрибод», «Умид» ва Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳаллаларнинг ўсмир ёшлари Қурбон ҳайити арафасида ажойиб тўхфага эга бўлишди. Мирзо Улуғбек туманидаги ушбу маҳаллаларга яқин жойда «Умид» болалар спорт маркази фойдаланишга топширилди.



ни аниқлаш учун Давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда алоҳида илмий-услубий лаборатория, физиологик-психологик тикланиш хонаси, тренажёрлар, сауна каби қулайликлар ташкил қилинган.

Мазкур марказда волейбол, қўл түпи, баскетбол бўйича турли мусобақаларга тайёргарлик кўриш чоғида машғулотлар ўтказиш ҳам мўлжалланган. Шу билан бирга мажмуага яқин жойлашган маҳаллалар ва ўқув юртилари билан биргаликда ўсмирлар ҳамда катталардан иборат соғломлаштириш гуруҳларини тузиш юзасидан мажмуавий тарзда ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда пойтахтимизда 29 та махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият юритмоқда. Уларга 20 мингдан зиёд ўқувчилар 33 йўналиш бўйича, шу жумладан спортнинг 23 олимпия туридан тўғарақларга қатнашади. Спорт мактабларида тажрибали мураббийлар дарс ўтади, ўқиш дараёни бепул. Аммо ушбу махсус мактабларда бугунги кун талабларига мос шароитлар яратилган дея олмаймиз.

— «Умид» марказида яратилган шароитларни кўриб, очиги ҳайратга тушдим, — дейди 5-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланув-

чиси Павел Циплакор. — Уч йилдан буён гандбол билан шуғулланиб келаман, спорт усталигига номзодман. Жамоамиз республика миқёсида ўтказиладиган барча мусобақаларда голибликни қўлга киритиб келмоқда. Қани энди бизларда ҳам бу ердагидай тренажёр, сауна, тикланиш хоналари бўлса эди... Ота-оналаримиз, мураббийларимиз ҳам «бизнинг даврда бориға кўникиб яшардик», дея бизларга ҳавас қилишади. Зеро, биз XXI аср авлодимиз ва шу даврга мос бўлишимиз лозим эканини вақтининг ўзи талаб этмоқда. Демак, спортда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам тараққий топган услублардан фойдаланишимиз керак. Бу борада Президентимиз ташаббуслари билан замонавий йўналишдаги ўқув юртилари ташкил этилаётгани ҳам бежиз эмас ахир. Кечаги кун ўлчови билан яшагача кўникишимиз асло тўғри эмас, имкониятларни излаб топиб фақат олдинга интилиб яшаган тақдирдагина эзгу мақсадларимизга эриша оламиз. Тўғри, баъзи вақтларда биз ҳақиқатан ота-оналаримиздан кўп нарсани талаб қилаётганга ўхшаймиз. Бироқ эртага нимага қодирлигимизни ва имкониятларимизни албатта кўрсатамиз. Аминманки, менинг тенгдошларим ҳам уларга нечоғлик катта масъулият юклатилаётганини яхши тушунишади.

Ўз тенгдошлари каби Павел ҳам тўғри фикр юритаётганини тан олишимиз керак. Бугунги авлоднинг дунёқараши биз, катталарникидан анча фарқ қилади, аммо қарама-қарши эмас. Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида фарзандларимиз янада бақувват ва соғлом шаклланиши, миллатимиз мустаҳкам ва иродали бўлиши йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса келажақ авлод хусусида ғамхўрлик, унга билдирилаётган ишончининг ёрқин далилидир.

— Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни татбиқ этиш юзасидан қабул қилинган яқин келажақ ва истиқболдаги режаларимиз ҳам айнан шу мақсадларни кўзлайди, — деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими раиси Асқар Толибжонов. — Кейинги икки йил ичида ҳар бир туманда 22 та икки хил кўришдаги спорт мажмуаларини барпо этиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ўқув юртилари ва маҳаллалар қошида фаолият юритаётган тўғарақларда 60 мингдан зиёд болалар спорт билан машғул. Бир йил давомида фойдаланишга топширилган етти та спорт мажмуаси кунига 3 мингдан кўпроқ болаларни қамраб олиш қувватига эга, жумладан «Умид» марказида ҳар куни 800 нафар ўғил-қизларимиз волейбол, баскетбол, қўл түпи билан шуғулланишлари мумкин. Кейинчалик шаҳримизнинг 11 та туманида барпо этиладиган мажмуалар фойдаланишга топширилиши билан ушбу кўрсаткичларни икки ярим бараварга ошириш имкони пайдо бўлади. Бундан ташқари, қўшимча равишда яна 600 дан ортиқроқ турли спорт йўналишлари бўйича тўғарақлар очилш режаси бор. Бугунги кунда олдимизда турган долзарб масалалардан бири, бу—ота-оналарнинг фарзандларининг спортга бўлган қизиқиш ва интилишлари юзасидан қарашларини ижобий томонга ўзгартиришдир. Бу борада биринчи навбатда жойларда тушунириш ишларини қучайтиришимиз, шунингдек кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг моддий томондан имкониятларини ошириш, уларнинг фарзандларига спорт тўғарақларида имтиёзли равишда қатнашиш учун шароитлар яратиб беришимиз ҳам лозимдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олижаноб мақсадларни татбиқ этишга йўналтирилган катта ҳаракат бошланди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби соғлом авлодни маънан ва жисмонан етук этиб шакллантиришнинг уч поғонали узлуқсиз тизими яратилгани бунинг яққол далилидир. Болалар спортини ривожлантириш юзасидан дастурий тадбирлар доирасида олиб борилаётган амалий ишлар олдимизда турган вазифаларимизни фаол давом эттиришимиз борасида тегишли негизни таъминлашга қаратилган. «Умид» каби кўркам ва ҳар томонлама қулайликларга эга иншоотларни юртимизда яқин келажақда қўллаб барпо этиш режалаштирилган экан, уларнинг бари эзгу мақсадларимизга хизмат қилишига ишончимиз камил.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**СУРАТЛАРДА:** «Умид» спорт марказида болаларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

## ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ, СУД ВА МАТБУОТ

Тошкентда суд-хуқуқ тизимидаги ислохотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги роли ва унинг ёритилишида оммавий ҳаётро воситаларининг ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Америка юристлар уюшмаси CEELI дастури, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ва Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ташкил этди.

Юртимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислохотлари самараси ўларок, фуқароларнинг судларга мурожаатлари кўпайибгина қолмай, ишончи ҳам ортаётди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилгани, жумладан ярашув институтининг жорий этилгани кейинги пайтда 20 мингдан ортиқ фуқаролари судланишдан асради.

— Марказий Европа ва Евроосиё давлатларида суд-хуқуқ ислохотлари жараёнини қўллаб-қувватлаш йўли билан қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар ўтказишда бизнинг лойиҳамиз ҳам фаол иштирок этиб келяпти, — дейди CEELI дастури раҳбари Антони Барраш. — Хусусан, Ўзбекистонда судьялар, ҳуқуқшунослар ва юридик ўқув юртлари билан суд мустақиллиги, жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий саводхонлик ва инсон ҳуқуқлари лойиҳалари борасида кенг ҳамкорлик қиляпмиз. Бундай самалари ҳамкорлик мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари ва демократияни янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиши, шубҳасиз.

Эътиборлиси шундаки, кейинги пайтда Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ материалларга кенг ўрин берилляпти. Уларнинг кўпчилиги судлар билан боғлиқлиги жамиятда жамоат назорати шаклланаётганининг исботидир. Бу эса демократиянинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири

Алишер Навоий таваққулининг 563 йиллигига

## ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ҚУЁШИ

Шеърят тарихи — энг аввало гўзаллик ва руҳоният тарихидир. Шеърят тарихи — бу ирфон ва ҳақиқат, диёнат ва эзгулик тарихи. Шеърятга ошнолик — инсонга хос барча яхши ва ёмон, нурли ва нурсиз ҳолат ёки кайфиятлардан огоҳлик демек. Шеърят инсонни ўзининг кўнгли, хотироти ва маънавий фаолияти учун масъул бўлишга ўргатдиган бекиёс мураббий ва муаллимдир. Ана шу ҳақиқатларни теран англаган ва уларнинг истиқболи учун истеъдоди ва меҳнатини аямаган шоирнинг номи ҳам, асарлари ҳам барҳаёт бўлади. Алишер Навоий бобомиз худди ана шундай шоирларнинг султони-дир.

Қазрат бир ўринда:

Олам элидин кимга муқаррар бўлди,  
Бу мартабаким, менга муяссар бўлди,  
демишлар.

Дарҳақиқат, Навоий эришган руҳий ва ижодий мартаба, Навоий юксалган санъаткорлик мақоми бармоқ билан санарли даҳоларга насиб айлаган. Шунинг учун ҳам Навоий халқимизнинг энг эъзозли, энг ишончли ва энг севимли шоири бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг дастлабки йиғилишида Президентимиз шеърятимиз қуёши Навоий тўғрисида сўзлаб, мутафаккир санъаткор асарларини тушуниш тажрибасига диққатни қаратди. Буни албатта, шоир ижодига бўлган муносиб баҳо ва уни санъаткорона асарларини қадрига етиш деб тушуномок керак. Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир ўзбек билиши керакки, Навоийнинг бетимсол шахсиятини севмасдан, Навоийнинг муҳташам ижодиётини етарли даражада ўргатмасдан, буюк шоир шеърятини дунёга танитмоқ, порлоқ ҳақиқатларга таянмасдан миллат сифатида биз олий мақомларга кўтарила олмаимиз. Навоийни англаш бизнинг учун маънавий, ахлоқий, фикрий асос ва руҳоний истиқбол масаласидир. Ёшларимиз Навоий адабий меросига кўз нурларини нечоқлик кўп сарфласа шунчалик бу нур равшанлашади. Куйида мутафаккир шоирнинг ғазаллари билан танишасиз.

### ҲАЗАЛЛАР

Кўргали хуснингни зору мубтало  
бўлдум санго,

Не бололиг эдиким ошно  
бўлдим санго,

Ҳар неча дедимки кун-кундин  
узай сендан кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак  
мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим, вафо, қилғил,  
манга зулм айладинг,  
Сен қачон деддинг, фидо бўлгул  
манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарка дерсен, телба  
бўлдунг бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил  
манго, бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насихат  
айладим, овора бўл,

Юз боло етмаски, мен ҳам бир  
бало бўлдум санго.

Жоми Жам ичра Хизр суйи  
насибимдур мудом,  
Соқмё, то тарки жоҳ айлаб гадо  
бўлдум санго.

Гусса чангидин навое топмадим  
ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру банаво  
бўлдум санго.

...  
Ўн саккиз минг олам ошибу агар  
бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн  
саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн  
саккиз йил хусни бор,  
Ўн саккиз ёшинда мунча  
фитнаким бошидадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон



Йил ўлса, улдурур  
Хусн шохи, ул балоларким  
кўзу қошиндадур.

Хайрат этмон хусни нақшидаки,  
ҳар хайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъи  
наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош  
музгар кўнглидин,  
Ақлга юз хайрат ул ойнинг ичу  
тошиндадур.

Май кетур, эй мугки, юз хайрат  
аро қолмиш Масих,  
Бульжабларким, бу эски дайр  
хуфшошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой  
фурқатидин баҳри ашк,  
Ҳар қачон боксанг, қуёш акси  
анинг ёнидадур.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан тегишли идоралар томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фармон ва ижро

## АМНИСТИЯ: ИЖРОНИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий мослашув марказлари жазони ўташ жойларидан озодликка чиққан шахсларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Шу кунгача ушбу Фармон талаблари жазони ижро этиш тизими муассалари томонидан 13 мингдан зиёд шахсга қўлланилди ва улардан 5 минг 806 нафари жазодан озод этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Анвархўжа Аъзамхўжаев. — Ички ишлар идоралари ҳамда Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан

айни пайтгача жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахслардан 3 минг 355 нафарига ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси ва ички ишлар идоралари ҳамкорлигида, маҳаллаларда жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг оилаларидаги шарт-шароит, муҳит ўрганилиб, муайян профилактик ишлари олиб борилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бу борада пойтахтимизнинг Юнусобод туманида олиб борилаётган ишлар айниқса, эътиборга молик. Туманда жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан шахсларни тиббий

қўриқдан ўтказиш, ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар ўз вақтида изчиллик билан бажариляпти.

Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан 80 нафардан зиёд шахсларнинг барчаси тиббий қўриқдан ўтказилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

А.Сараев - Юртбошимизнинг инсонпарварлик билан йўғрилган фармони ва мувофиқ жазони ижро этиш муассасасидан оила сифатида қайтган маҳкумлардан бири. Айни пайтда у ҳарбий ҳаракатлар ногиронлари жамғармаси раҳбарининг ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда. Жазони ўташ муассасасида ўтган кунлар А.Швидкий учун ҳам катта сабоқ бўлди. У олти йилга озодликдан маҳрум этилган

эди. Муддатидан олдин озодликка чиқиши унга ҳаётга янгича қараш имконини берди.

Тўғри йўлдан адашганини кеч бўлса-да англаётган ва қилмиши учун мамлакатимиз Президентини ва халқимиздан чин кўнгиладан кечирим сўраётган инсонлардан бири О.Тўраҳўжаев шундай дейди:

— Мен, ҳақиқий дин билан динини ниқоб қилиб олган айрим оқимларнинг сафсаталари ўртасидаги фарқни кеч тушуниб етдим. Нотўғри йўлга кириб қолганимдан ўзим ҳам, оила аъзоларим ҳам анча жабр чекди. 1999 йил 20 август кунини Сирдарё вилояти суди томонидан 12 йилга озодликдан маҳрум этилган эдим. Бироқ, Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги фармони жонимга аро кирди. Эндиги ниятим - яхши ишлаб, оиламга, юртимга наф келтириш...

Давлатимиз раҳбарининг афв этиш хусусидаги Фармонига биноан қўллаб-қўрғошларимиз жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиқиб, яхши орзу-умидлар билан янги ҳаёт бошламоқда.

**Беҳзод НОРОБОВ,**  
ЎЗА мухбири

Албатта маҳалла оқсоқли ва фаоллари қанчалик куюнчақ, заҳматкаш ва ишбилармон бўлса, маҳалланинг фойда-тароватию ободлиги ҳам шунчалик кўзга ташланади.

Ўтган йилги сайловлар чоғида аввал бир неча йил котиблик қилган, сўнг фуқаролар йиғини раиси сифатида маҳаллани бошқарган Абдор Ашрафов ақдиллик билан учинчи муддатга оқсоқ сифатида сайланди.

Шуни айтиш керакки, ўтган Обод маҳалла йили «Янгиобод» маҳалласи учун нисбатда самарали кечди. Хусусан, маҳалладаги отахонлар ва тадбиркорларнинг сай-ҳаракати билан «Қамол» маҳалласи билан ҳамкорликда ишнам ва қўлай стадион қуриб ишга туширилди. Ҳозир баҳордан қишга стадиондан болаларнинг қадами аримайди.

Бундан ташқари тиш даволаш ва протез қилиш хонаси, телевизор-магнитофонларни таъмирлаш устанонаси ҳам ўтган йил давомида фаолият бошлади.

Маҳаллада аҳолига яратилган яна бир ўзига хос қўлайлик шундан иборатки, тўрт йилдан буён биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси бепул хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу йиллар давомида малакали ҳамшира Шохиста Қурбонова томонидан олти мингдан ортиқ фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатилди, икки юздан ортиқ беморга бепул дори-дармонлар олиб берилди.

Идора қилишда халқ баннининг 607-шохбаси ҳам тўрт йилдан буён фаолият кўрсатиб, аҳоли учун катта қўлайликлар яратилмоқда. Хусусан, 2 ёшгача бўлган болаларга нафақа пули, моддий ёрдам пуллари ҳам шу шохбаси орқали берилмоқда.

Маҳалла аҳолининг яримдан кўлини ёш авлод ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг соғлом ва бақувват воғга етиши, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида маҳалла клубида каратэ, кикбоксинг ва бокс тўғрисида ташкил этилганга ҳам бир неча йил бўлди.

Ўтган вақт ичида тўғрақларда спорт сирларини ўрганаётган ўқувчи ортиқ ёшлар шахар миқёсидаги йирик мусобақаларнинг қатнашчилари бўлишди. Ҳозир маҳаллада миллий кураш секциясини очиб ҳаракатлари кетмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий онини ошириш мақсадида Тошкент Дав-

лат юридик институти қошидаги ҳуқуқий-маърифат тарғибот маркази билан шартнома тузилган. Унга асосан малакали ҳуқуқшунослар билан ҳар ойда бир мартада ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар

жойлаштирилди. Шуларнинг 7 нафари ҳозирда ўқини тугатиб ўз касблари бўйича ишламолдалар.

«Янгиобод» маҳалласида Меҳр ва мурувват ва саховат ишларига

## Муминларга

### «ЯНГИОБОД»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласи шахримиздаги аҳил, оқибатли, обод ва файзли гўшалардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳаллада ҳовиллар ва 4 та 9 қаватли уйларда 13 миллатга мансуб ўн мингдан ортиқ аҳоли баҳамжиҳат истиқомат қилади.



ўқзаиб турилади. «Муқдорлар сифди шаклланимолда», «Конституция ва биз» мавзуларидаги учрашувлар шулар жумласидандир.

Меҳнат бирчиси билан ҳамкорликда биржадаги ўқув комбина-тига 12 та қиз турли касбларга йўналтирилган 3-6 ойлик курсга

ҳам доимий эътибор қаратиб келинади. Чунонки, боқувчиси йўқ, ёлғиз 8 нафар қарияга доимий бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериб борилади. Беш нафар кексаларга эса моддий ёрдам кўрсатилади. Улар ҳолидан ҳамшира доимо хабар олиб туради.

Хайрия-саховат ишларига маҳалланинг 3-4 нафар ҳрмийла-ри баҳоли-қудрат ўз кўмагини кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир байрамда улар маҳалладорларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишади.

Жумладан, ҳрмийлар кўчи билан яқинда Тожи Расулов кўча-сида тўй-ҳашамлар ўтказиладиган 450 кишилик иштиот бунёд этилди.

— Меҳр-мурувват тадбирларини биз ўтган йилнинг сентяб-ридан бошлаб юбордик. — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқли Абдор ака Ашрафов. Хотин-қизлар комиссияси сайй-ҳаракатлари билан ёши улуг 20 нафар аёлни Республика таш-хис марказида бепул тиббий кўриқдан ўтказдик. Касалликла-ри аниқланган аёлларимизни бепул дори-дармонлар билан таъминладик.

Бу йилги режаларимиздан эса йилнинг ҳар бир чорағида 2 тадан кам таъминланган оилаларнинг уйи олди ва ички қис-мини таъмирлаш ўрин олган. Ҳўжа Аълам Бардор қабристонини ҳудудида баҳор фасли бошланиши билан ҳар ҳафтада бир мартадан ободонлаштириш ҳашарлари уюштирамиз. Стади-онга томошибилар учун ўриндиқлар ўрнатамиз, баскетбол ва волейбол майдончаларини қураимиз, Энг обод кўча, ўй ташло-вини ўтказиш «Маҳаллада экологик маданият» мавзусида тад-бир ташкил этиш ҳам режаларимиз қаторидан ўрин олган.

Бу ишларни амалга оширишда турли комиссиялар раисла-ри ва фаоллардан Ўлқар Солиҳов, Бахтиёр Расулов, Абдушу-кур Одилов, Турғун Исмолов, Саид Валиев, Турган Боймуда-медов, Соҳида Тожимухамедова, котиб Эркин Қосимқўжаев ва хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Валиеваларнинг ҳам-жиҳатлигида, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда бераётган кўмағи катта бўлмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: «Янгиобод» маҳалласи оқсоқли Абдор Ашрафов (пастда, чапдан иккинчи) маслаҳатчи ва фаол-лар билан Меҳр ва мурувват йилига белгиланган режалар юзасидан маслаҳатлашмоқда; янги стадионда маҳалла бо-лалар футбол жамоаси.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

## ЯХШИЛИК УНСИН ИЗЛАРИМИЗДА

Умр фасллари ичида ҳеч бири болалигу кексалик каби эъзоз, эътибор, меҳр-мурувватга муҳтож эмас. Шундай экан келинг азиз замондош, бир-биримизга меҳр кўрсатиб, йиқилганда суяб, қоқилганда тиргак бўлиб, ях-шилик сари юз тутиб, ёруғ дунёда яхши деган ном қолдириб кетайлик.

Жорий йилни Меҳр ва мурувват йили деб ном-ладик. Ўзимизни яна бир бор хайрли ишлар, ях-шилик ва саховат каби

эзгу юмушлар сари етакладик. Илоҳим, меҳ-римиздан боғлар кўкар-син, хаста диллар ором олсин.

Меҳр нима ўзи, мурув-ват нима? Фақат етим-есирлару, ёрдамга муҳ-тож инсонларга номига хайр кўрсатиб, катта

давраларда оғиз тўлди-риб мақтанишимиз? Ахир ота-боболаримиз «Ўн қўлинг билан берганин-гни чап қўлинг сезма-син», «Яхшилик қилгуну унут» деган сўзларни бекорга айтмаганлар.

Бир мушоҳада қилиб кўрайлик, ҳар биримиз ўз-ўзимиздан савол сўрайлик: «Мен, кимман ўзи, кимга фойдама те-гяпти. Кимнингдир оғирини енгил, мушқули-ни осон қилиш учун

ҳаракат қилдимми? Нега ён кўшнимга арзимас хайрия берганимни ҳамма билиши керак».

Мана шундай азизлар, дилимизда кечаётган фикрларимиз, қилиши-миз лозим бўлган юмуш-ларимиз ҳали анчагина. Балки сизларнинг ҳам бизга айтмоқчи бўлаёт-ган гапларингиз, фикр-ларингиз, кўрган-кечир-ганларингиз бордир.

«Маҳалла» саҳифамиз сизнинг дилномаларини-гизга мунтазир. Бирга-ликда ютуқ ва камчилик-лар, ибратли юмушлар, эътибордан четда қола-ётган муаммолар ҳақида ўйлайлик, изланайлик, муаммолар ечимини халқимизга етказайлик.

Яхшилик, саховат — бу сўзлар эзгу тилакли ҳар бир инсон учун жуда та-ниш, қадрли, қон-қони-мизга сингиб кетган му-қаддас туйғу. Шундай экан юрган йўлимиздан

яхшилик ниҳоли унсин, катталарнинг сабоғини олган фарзандларимиз эса изларимиз давомчи-си бўлиб воғга етсин.

Озод ва обод юрти-мизнинг тамал тошини пишиқ ва бақувват ёш-лардан қўйликки, токи ҳеч қандай довулу бўронлар зиён-заҳмат етказ-масин.

Бизларнинг меҳру му-ҳаббатимиздан юртимиз гулласин, яшнасин, озодлик осмониди ҳам-иша қуёш чарақласин. Биргаликда, ҳамкорлик-да меҳр дарахтига сув қуяйлик.

Мурувват асли не — мурувват бир нур.

Бир нурки, қалбларга чироқ бўлади.

Қоқилган дўстингга қўлингни чўзсанг,

Мурувват кўксингда қулиб туради.

Шаҳризода муҳСИМОВА



## Мақбурлар

### МЕҲР ДАРАХТИГА ИЛДИЗ БЎЛАЙЛИК

Маҳалла хотиржамлик, тинчлик-осойишталик тимсоли. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши боис ушбу гўшаларда ҳам хайру саховат, эзгулик юмушлари бошлаб юборилган.

Шаҳримиздаги энг кенжа туманлардан са-налмиш Сергели туман-ида бугунги кунда 33 та маҳалла фаолият юритмоқда. Кўтлуг йил-нинг илк кунларидан бошлаб яхши кўшнич-лик, дўсту биродарлик ҳукм сурган ушбу ма-ҳаллаларда хайрия тад-бирлари, қизиқарли уч-рашувлар, давра суҳ-батлари бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча «Чоштепа» маҳалласида ўтказилган тадбир эса «Меҳр да-рахтига илдиз бўлай-лик» деб номланди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси би-лан ташкил этилган ушбу тадбирга туман маҳаллалари хотин-қиз-лар комиссиялари раи-салари, кам таъминлан-ган оилалар фарзандла-ри, кексалар тақлиф этилди.

Чиройли байрам дас-турхони, бир пиёла чой устида бўлиб ўтган дий-дорлашув дилларга илиқлик, кўнгилларга

ором бағишлади. Шоира Зулфия Мўминованинг дилбар шеърлари, шўх куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Туманимиздаги барча маҳаллаларда шу кунга қадар бепул тиб-бий кўрик ўтказилди. — дейди жумладан тад-бирда сўз олган туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Ниғмон Шамши-ев.

«Соғлом авлод» жамғармаси таянч бўлими томонидан ўтказилган ушбу кўриқда кам таъминланган оила-лар, боқувчисини йўқот-ган, ногирон ёшлар учун амбуланс машиналари хизмат кўрсатди. Со-ғломлаштириш тадбир-ларида турли касаллик-

лар бўйича даволаш юмушлари ҳам олиб бо-рилди. Болажонлар учун витаминлар, доривор ги-ёҳлардан дори-дармон воситалари тарқатилди.

Ўйлайманки, Меҳр ва мурувват йилида ҳар би-римиз фақат яхшилик, саховат юмушларини адо этиб, бир-биримиз-дан беминнат ёрдами-мизни аямаймиз. Мурувват тадбирлари давомида камхарж оилаларга совға-салом-лар, озиқ-овқат маҳсу-лотлари топширилди, яхши кўшничлик ҳам-иша давом этиши, инсон-лар бир-бирларига ҳам-иша керак эканлик-лари ҳақида чиройли суҳбатлар қурилди.

Шоҳида МАҲМУДОВА

Ватан ичра ватан ҳисоб-ланмиш маҳаллалар мил-латнинг мустаҳкам кўрго-ни, одамлар бошини қовуштирувчи, оғир-енгил кунларида суягувчи мурув-ват масканидир. Айниқса мустақиллик йилларида ушбу гўшанинг мавқеи яна-да ошди, давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаш-тиришда муҳим ўрин эгал-лаб, нуфузи кундан кунга юксалди.



## ЭНГ МУҲИМИ АҲИЛЛИК

Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Сар-хумдон» маҳалласи ҳам аини кунларда эл-юрт ободлиги, Ватан ривож-и йўлида катта сайй-ҳаракат-ларни бошлаган, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан иш юри-таётган масканлардан бири-дир.

— «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бекорга айтил-маган, — дейди биз билан

фаолият кўрсатиш керак. Катта-кичик ёшдаги барча фуқаролар билан тил топи-шиб, муаммо ва ечимларни оқилона, одиллик билан ечиб, ширин сўзингнни, мас-лаҳат ва йўл-йўриқларингнни имтиёзли хизмат кўрсатади. Кунни кеча эса хусусий тад-биркорлар Шухрат Усмонов ва Носир Мамлабобовлар та-шаббуси билан қад ростила-рунни чўзиш, йиқилганни суяб, кўнглини кўтариб бо-

даволаш ва тиш қўйиш мас-кани ва дорихона очилди. Саховатли тадбиркорлар томонидан бунёд этилган ушбу соғлиқни сақлаш шо-хобчалари аҳолининг кам таъминланган қатлами учун имтиёзли хизмат кўрсатади. Кунни кеча эса хусусий тад-биркорлар Шухрат Усмонов ва Носир Мамлабобовлар та-шаббуси билан қад ростила-рунни чўзиш, йиқилганни суяб, кўнглини кўтариб бо-



ҳаёт кечирмоқ-далар. Айтиш лозимки, ҳар бир инсон ўз оиласида ором топади, эртанги кунга яхши-ният билан хотиржамликда қадам қўяди. Шундай экан маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир маҳал-ладошига ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, тинчлик-осойишталигини сақлашни шў-шига ўз ҳиссасини қўйиши лозим. Яқиндагина фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органларига бўлиб ўтган сайловларда маълум бўлдики, маҳалла, маҳалла оқсоқли ва маслаҳатчила-ри каби тушунчаларга аҳоли беэътибор эмас, улар масъулият ҳиссини жуда яхши тушунадилар. Маҳал-ладорлар катта ишонч бил-дириб оқсоқоллик вазифа-сини менга топширган экан-лар, жорий йилни катта мақ-сад, эзгу ниятларни кўзлаб, маҳалла ободлиги, элу юрт фаровонлиги йўлидаги юмушлар билан бошлаб юбордик.

Оқсоқоллик мансаб эмас, менимча бу вазифанинг масъулиятини чуқур англаш керак, ишлаш керак, ишла-ганда ҳам ҳалоллик, фидойи-лик, тадбиркорлик билан

риш лозим. Аини кунларда маҳалламизда 2 ёшгача фар-занд тарбияси билан маш-гул бўлган 17 нафар, 18 ёш-гача болалар нафақаларини оладиган 20 нафар, 8 нафар моддий ёрдам олувчи оила-лар вақтида маблағ билан таъминланиб келинмоқда. Булардан ташқари коммунал тўловларини вақтида тўла-ишга ўз ҳиссасини қўйиши лозим. Яқиндагина фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органларига бўлиб ўтган сайловларда маълум бўлдики, маҳалла, маҳалла оқсоқли ва маслаҳатчила-ри каби тушунчаларга аҳоли беэътибор эмас, улар масъулият ҳиссини жуда яхши тушунадилар. Маҳал-ладорлар катта ишонч бил-дириб оқсоқоллик вазифа-сини менга топширган экан-лар, жорий йилни катта мақ-сад, эзгу ниятларни кўзлаб, маҳалла ободлиги, элу юрт фаровонлиги йўлидаги юмушлар билан бошлаб юбордик.

Оқсоқоллик мансаб эмас, менимча бу вазифанинг масъулиятини чуқур англаш керак, ишлаш керак, ишла-ганда ҳам ҳалоллик, фидойи-лик, тадбиркорлик билан

нинг кенжа ўғлининг суннат тўйи ҳам ўтказиб берилди. Саховатли, ҳимматли, дуо олиб кўкараётган тадбир-корлар—Шухрат ва Носир-жонлар маҳаллада ўтказила-диган барча хайрия тадбир-ларида қўлдан келганча кўмак беришга тайёр экан-ликларини билдирганлари-да, «сафингиз илоҳим қўлай-син» дея дуолар қилишди.

Жонкуяр оқсоқол билан келгуси режалар, аниқ мақсад ва вазифалар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Ва шу нарсга амин бўлдики, ҳамкорлик, ҳам-жиҳатликда гап кўп экан.

Биз ҳам маҳалладорла-рига ҳар томонлама кўмак бериш, оғирини енгил қилишга бел болаган жон-куяр оқсоқолнинг эзгу ният-лари ижобат бўлишига ас-тойдил тилак билдирдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Сар-хумдон» маҳалласи оқсо-қли Маҳмуд Рашидов (ўнгдан иккинчи) участка нозир, милиция капита-ни Олим Маматов фаол-лар билан; Меҳр ва му-рувват йилига бағишлан-ган тадбирдан лавҳа.

## ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҚАНОТИ БОР

Ватан — остонадан бошланади. Остона эса маҳалламиз, уйимиз, иш, ўқиш жойимиз, қўйингки қадамимиз етган ҳар бир жой муқаддас остонамизнинг пишиқ-пукта гишлари, бизни осойишталик, хотиржамлик, илму урфон, одамийлик сари етаклайдиган муқаддас гўшалар.

Жорий йилимиз Меҳр ва мурувват йили деб номланди. Одамийликнинг энг осон ва аини вақтда энг мураккаб жиҳатлари жамланган ушбу сўзлар замирида. Катта-катта масъулият юк-лайди аини дамларда. Ушбу сўзнинг салворли юкини вақтида англаган Собир Раҳимов тумани Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси-

нинг навбатдаги йиғилишида айнан юқоридаги фикрлар билдирилди.

— Ушбу йилда ҳар биримизнинг му-қаддас вазифамиз фақат кўрсатма асосида эмас, балки виждонан, элу юрт олдида ҳалол, ёруғ юз билан иш-лашдир, — дейди тадбирда сўз олган туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳал-ла» жамғармаси раиси Саидахмад

Обидов. — Маҳалларимиз сони бу-гунги кунда 58 тага етди. Янги «Бўстон» ва «Ниҳол» маҳаллалари қўшилди.

Аввало ишни ҳар бир маҳаллани ўрганишдан, кам таъминланган, яқка-ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ин-сонларни аниқлаш ва уларга қўлдан келганча ёрдам беришдан бошладик.

Бунинг учун ҳафтанинг беш кунда ма-ҳаллаларни ўрганишга чиқамиз. Шан-ба кун эса махсус хайъат тuzилиб борган маҳаллалар ҳақида ҳисоб бе-рамиз. Коммунал тўловларни тўлай олмаётган фуқаролар аҳоли ўргани-либ, уларга ҳам ушбу масалада ёр-дам берилади, яъни коммунал тўло-лари учун имкон қадар пул ўтказиб бе-рилади.

Тадбирда иштирок этган туман фа-оллари, маҳаллалар оқсоқоллари ва Хотин-қизлар комиссиялари раисала-ри ҳам Меҳр ва мурувват йилида бош-ланган хайрли ишлар, саховат нурла-

ридан ҳеч ким бебаҳра қолиб кетмас-лиги ва бу борада амалга оширили-ши лозим бўлган зарур юмушлар, му-аммо ва камчиликлар ҳақидаги ўз фикрларини айтиб ўтдилар. Муаммо-лар ечими эса ўз қўлимизда, бирга-ликда, ҳамкорликда иш юритишда-дир.

Истардикки, шаҳримиз маҳаллала-рида ҳам ушбу хайрли ният қанот қўкса, беминнат кўмак беришдан бош-ланган ишнинг унуми ҳам, фойдаси ҳам икки қарра ортиқ бўлишини ай-тиб ўтиришга ҳожат бўлмаси керак. (Ўз муҳбиримиз)

## Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД  
Домо бўлур...

● Саккиз хислат олижаноб одамларда топилади: афв, тавозе, шафқат, қўли очиклик, очик юзли бўлиш, ҳаё, номус ва мурувват.

Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,

Орттирар обрўсин албатта ўзи.

● Кишилардаги тўққиз иллатдан ҳамма нафрат қилади: жоҳиллик, ялқовлик, ҳасад, тақаббурлик, хиёнат, тамағирлик, ғазаб, ифвогарлик ва мунофиқлик.

Ким тама қилса, ўзин хор айлағай,

Хорликдан ўзни бемор айлағай.

● Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, инсоф, мулоимлик, олим ва фозиллар билан суҳбат, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифбат ва адолат.

Қариларнинг хизматига боғла бел,

Кўрсанг ўзингдан кичикни раҳм қил.

● Афлотундан сўрадилар: — Қандай одамни кучли, қандай одамни кучсиз, деб айта оламиз?

Афлотун жавоб берди:

— Аччиқланган чоғида ўзини тутта билган одам — кучли, айтмаслиги керак бўлган сўзни айтишдан тилини тия олмаган одам кучсиз саналади.

● Бир одам:

— Мен буюк бир шаҳар аҳлидандирман, деб мактанди.

Арасту айтди:

— Бунинг аҳамияти йўқ, аммо сен буюк шаҳар одами бўлишга лойиқмисан ёки йўқми, ана шу аҳамиятга моликдир.

● Арастудан сўрадилар:

— Одам билан қандай муомала қилишимиз керак?

Арасту шундай маслаҳат берди:


— Одамларнинг ўзингизга қандай муомала қилишларини истасангиз, уларга шундай муомала қилингиз.

● Арастудан сўрадилар:

— Нега кўп одам йигитлик чоғида ҳавасга, кайф-сафога мойил бўлади?

У шундай жавоб айлади:

— Йигит икки қувватдан бирининг — ақли ёки нафсининг таъсири остида бўлади. Агар ақли ғолиб бўлиб, йигит унинг таъсири остида бўлса, нажот топади. Нафсга эргашган йигит фалокат ва ҳалокатга учрайди.



Назм қишани

## ВАТАН—МЕҲР КЎРҒОНИ

Эр кишининг кўнглида  
Эгарланган от бўлар.  
Она — Ватан туйғуси  
Дилига жо, ёд бўлар.

Ватан—меҳр кўрғони,  
Иймон унинг қалқони.  
Эр йигитлар Ватаннинг  
Марди майдон посбони

Нақорат:  
Она — Ватан кўркидир,  
Ифтихори йигитлар!  
Эл бошига иш тушса,  
Халоскори йигитлар!

Омон бўлсин ҳамиша  
Жасур ўғлон, йигитлар!  
Қадамидан ўт чақнар,  
Кўкси қалқон йигитлар!

Ёниб яшаш ёлқини  
Куйдирсин хас—ёвларни!  
Ёниб яшаш тўлқини  
Бузсин тўсик, ғовларни!

Ватан — меҳр кўрғони,  
Иймон унинг қалқони,  
Эр йигитлар Ватаннинг  
Марди майдон посбони.

Нақорат:  
Она—Ватан кўркидир,  
Ифтихори йигитлар!  
Эл бошига иш тушса,  
Халоскори йигитлар!

Омон бўлсин ҳамиша  
Жасур ўғлон, йигитлар!  
Қадамидан ўт чақнар,  
Кўкси қалқон йигитлар!

Искандар РАҲМОН

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ДИН

Тошкент Ислам университетида мустақиллик йилларида диний соҳада эришлаган ютуқлар ва мазкур университет фаолиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари давлатнинг дунёвий харақатга эга экани билан белгиланади, деди Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим Миноваров "Туркистон-пресс" муҳбирига. - Динга халқимизнинг маданий-маънавий аъёнлари ва миллий кадриятлари тикланишининг узвий қисми сифатида қараш давлат ва дин ўртасида ҳамкорликка замин яратмоқда. Истиқлол йилларида исломни илм даражасига олиб чиққан буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди. Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармонида биноан Тошкентда Ислам университетининг ташкил этилиши ҳам сўзимизга ёрқин далил бўла олади.

Ш.Миноваровнинг таъкидлашича, катта илмий ва педагогик салоҳиятга эга бўлган университет диншунослик асослари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, долзарб назарий ва амалий вазифаларни ечишга қодир малакали мутахассислар — бакалавр ва магистрларни тайёрлайди. Аини пайтда тўртта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлайдиган бакалаврият босқинида 507 нафар талаба, магистратурада 6та мутахассислик бўйича 65 киши тахсил олаётир. Университет қошида ташкил этилган Исломушунослик илмий-тадқиқот маркази аждодларимизнинг бой илмий-назарий меросини ўрганиш ва ривожлантириш, жаҳон тамаддуни тарихида ислом динининг тутган ўрнини та-

дқиқ этиш борасида самарали иш олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналиши 25 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган ва 16 конфессия вакиллари баҳамжихат яшаб келаётган мамлакатимизда динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда сиёсийлаштирилган ва жангари "ислом"ни никоҳ қилиб олганлардан асл исломни ҳимоялаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Диний ақидапарастлик, жангари "ислом" билан боғлиқ харақатлар халқимизнинг муътадилликка асосланган диний аъёнларига бутунлай зид келади. Қолаверса диний ақидапарастлик, мутаассиблик, ғаразли мақсадлар йўлида диний ҳис-туйғулардан фойдаланишга уриниш жамият тараққиётига, демократик ислохотларни амалга ошириш, динлараро ҳамкорлиқни таъминлашга тўсқинлик қилади.

Шундай шароитда айрим хорижий ОАВлари томонидан Ўзбекистоннинг диний ҳаётига доир масалалар ноҳолис ёритилмоқда. Бу дин нуктаи назаридан ҳам, сиёсатшунослик ва жамиятшунослик нуктаи назаридан ҳам мутлақо беаъони бўлган атамаларни қўллашда, кўпгина давлатлар томонидан экстермистик ва радикал ташкилот сифатида эътироф этилган "Ҳизб ут-таҳрир" оқими аъзоларини "эътиқод қурбонлари" деб аташда, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Бундай ёндашув мамлакатимиздаги ҳақиқий аҳволдан беҳабарлик натижасидир. Брифингда ОАВ вакилларига юқоридаги масалалар юзасидан тўла маълумот берилди.

А.АЗИМОВ

"Туркистон-пресс"

**Электр энергияси фақатгина хонадонларимиз нурафшонлигию кўчаларимиз чароғбонлигини таъминлаб қолмай, балки иқтисодиётимиз ривожига ҳам катта аҳамият касб этади. Негаки бугунги кунда йирик саноат корхоналаридан тортиб кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, барча муассаса ва ташкилотлар, транспорт хизмати фаолиятини электр энергиясиз тасаввур этиш мушкул. Аммо унинг қадрига етиб, тежамкорлигига барчамиз бирдай аҳамият қаратаёلمизми?**

## Қарор ва ижро

ҚОИДАБУЗАРЛАРГА ҚАРШИ  
ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

— Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бера олмаимиз, — дейди «Ўздавэнергоназорат» агентлиги Тошкент шаҳар бўлимининг бошлиғи Санжар Қодиров. — Чунки айрим истеъмолчиларимиз ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг ҳар бир киловати қимматли эканлигини, уни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳа ходимларининг сермахшакат меҳнатлари ва изланишлари боис амалга оширилаётганини билмайдилар.

Жамоамиз аҳли ўз фаолиятлари давомида электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиш ҳолларини, техник ҳолатлари белгиланган қоидалар талабларига мос бўлишини назорат қилиш, электр тармоқларига тегишли рухсат олмасдан ўзбошимчалик билан улаштириш ҳолларини аниқлаш, электр ҳисоблагичдан ташқари, яъни ўгринча улаб олиш ва ҳисоблаш ускунасини бузишга қарши курашиш, электр энергиясидан фойдаланишда белгиланган лимитга риоя қилинишини таъминлашни ўзларининг асосий мақсад ҳамда вазифалари сирасига киритиб, ана шундай қонун бузилишлари-

га қарши иш олиб боришмоқда.

Олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Энергиядан оқилона фойдаланиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида»ги қарорига асосланиб иш олиб борамиз.

Ўтган йил давомида 145 та хўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказилди. Ушбу текширувларнинг 19 таси комплекс усулда бажарилди. Шунингдек, 126 та хўжалик юритувчи субъектларда электр ускуналарининг техник ҳолатини, уларда иш ташкил қилиниши, электр қувватини ўлчаш асбобларининг схемалари ҳамда ўрнатилган лимитларга риоя қилиниши назоратдан ўтказилди. Ушбу текширувлар давомида 165 та ҳолат бўйича электр ускуналарининг қоникарсизлиги, ўрнатилган лимитдан ортиқча электр энергияси сарфи, ускуналарнинг ўзбошимчалик билан улаб олиниши, исрофгарчиликка йўл қўйиш сингари қоидабузар-

ликлар аниқланди. Жумладан, 25 та хўжалик юритувчи субъектларда лимитдан ортиқча электр энергияси сарфи учун 6404,8 минг сўм, электр энергиясидан хоналарни иситиш мақсадида тегишли рухсатсиз фойдаланилган 11 ҳолат бўйича 3987,1 минг сўм, электр ҳисоблаш асбоблари схемаларини бузганлиги боис 1 та хўжалик юритувчи субъектга 242,1 минг сўм, электр ускуналарнинг қоникарсиз техник ҳолати учун 103 та хўжалик юритувчи субъектга 15.881,0 минг сўм, 22 тасига энергиядан нооқилона фойдаланганлиги сабабли 7519,3 минг сўмлик иқтисодий жазо қўлланилди.

Ўтган йилда жами 2283 минг киловатт соат электр энергияси иқтисод захираси аниқланди. Электр энергиясидан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликлар учун корхона ва ташкилотларнинг электр ускуналари қисман ёки тўлиқ ўчирилиб қўйилди ва умумий ўчирилган қувват 31452 киловатт (Квт)ни ташкил қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 августда қабул қилинган 341-қарори ижросини таъминлаш мақсадида электр энергиясини ишлатишда қонун бузилишларига йўл қўйган истеъмолчиларга нисбатан қонун доирасида чоралар кўрилиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам йўлга қўйганмиз. Ходимларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланишга, исрофгарчилигига йўл қўймасликка ҳиссаларини қўшаверади.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

## МИСРДА ЎЗБЕКИСТОНГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиев бошчилигидаги ҳайъат Миср Араб Республикасида бўлди.

Миср маданият вазири Фориқ Абдулазиз Хусний билан мулоқот чоғида маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Бадий академияси ва Миср Маданият ишлари вазирлиги ўртасидаги бевосита алоқаларни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Учрашув якунида мамлакатларимизда турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйишга қелишди олинди. Мисрда "Темурийлар даври санъати" ва Ўзбекистонда "Фиръавнлар хазинаси" номли кўргазмаларнинг намоиши қилиниши бу борадаги ҳамкорликда биринчи қадам бўлади.

Маълумки, халқларимизни узоқ ўтмишга бориб тақалладиган ҳамкорлик ришталари узвий боғлаб туради. Ўтган асрларда яшаб ўтган ўзбекистонлик кўплаб алломалар, жумладан,

Аҳмад ал-Фарғонийнинг бунда хизматлари беқиёс. Шу боис Қоҳира шаҳри ҳокими Абдурахим Шихота билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Миср пойтахтида буюк бобокалонимизнинг ҳайкалини ўрнатиш ҳақидаги таклиф ўртага ташланди. Томонлар ёдгорликнинг шакли, у ўрнатиладиган манзил ва мазкур масала билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни тезроқ ҳал қилиш фикрини билдирдилар.

Мисрда чоп этиладиган "Ал-Аҳром" газетаси ўзининг 127 йиллик тарихи давомида араб дунёсининг энг обрўли газеталаридан бирига айланган. Бугун газета жаҳоннинг 20 га яқин етакчи мамлакатларида ўз мухбирлик бўлимларига эга. Газета, шунингдек, турли мавзуларга ихтисослашган бир нечта махсус нашрлар фаолиятини ҳам йўлга қўйган. Ўзбе-

кистон ҳайъати аъзоларининг "Ал-Аҳром" газетаси бош муҳаррири, шу номли мажмуа мудирлар кенгаши раиси Иброҳим Нофий билан мулоқоти бўлиб ўтди. Унда ушбу нуфузли нашр саҳифаларида Ўзбекистон ҳақида бевосита биринчи манбаларга суянган ҳолда мақола ва хабарлар эълон қилиш ҳақида фикрлашиб олинди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар жараёни билан Миср халқи ва бутун араб дунёсини ҳолисона таништиришда муҳим омил бўлур эди.

"Ал-Аҳром" саҳифаларида ёритилажак хабарлар Ўзбекистоннинг етакчи нашрларидан бири—"Халқ сўзи" газетаси билан ҳамкорликда тайёрланади. Учрашувда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири Аббосхон Усмонов "Ал-Аҳром"нинг Миср ҳаётига оид хабарлари учун ўзи раҳбарлик қилаётган нашрларда ҳам мутаносиб тарзда жой ажратилишини зикр этди.

"Жаҳон" АА

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йил 6,10,13,17,20,24,27 февраль ва 2,5,9,12,16,19,23,26,30 март кунлари

Аукцион савдоларини ўтказида!

Аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:

-Банкрот деб эълон қилинган «1-SON TOSHKENT UY-JOY QURILISH KOMBINATI» очик турдаги акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Строительная кўчаси, 1-уйда жойлашган бино ва иншоотлари (ХРУМ ва СУ-26) қўйилади. Бошланғич нархи 32 000 000 сўм.

-Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сурхон кўчаси, 26-уйда жойлашган «KOMMUNAL TA'MIR» шўъба корхонаси. Бошланғич нархи 10 242 100 сўм ёки 12 489 АҚШ доллари.

-Банкрот деб эълон қилинган «1-SON TOSHKENT UY-JOY QURILISH KOMBINATI» акционерлик жамиятининг мол-мулкларни. Бошланғич нархи 1 230 151 000 сўм.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чигатой Оқтепа қ.ф.й., Минво-

| №                      | Ер участкасининг маъноси, қўйилган кўла тўғрисидаги шарт                                                                                                       | Ер участкаларининг сатҳи, га | Бошланғич нархи, сўм |
|------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|----------------------|
| 1                      | 2                                                                                                                                                              | 3                            | 4                    |
| <b>Сергели тумани</b>  |                                                                                                                                                                |                              |                      |
| 1                      | Янги Сергели кўчасида махсуслаштирилган дўкон                                                                                                                  | 0,15                         | 10 018 500           |
| 2                      | Янги Сергели кўчасида чойхона-қаҳвахона ҳамда ресторан                                                                                                         | 0,12                         | 8 176 200            |
| 3                      | Янги Сергели кўчасида махсуслаштирилган иншоот                                                                                                                 | 0,10                         | 6 948 000            |
| 4                      | Янги Сергели кўчасида офис                                                                                                                                     | 0,12                         | 8 176 200            |
| <b>Чиланзор тумани</b> |                                                                                                                                                                |                              |                      |
| 5                      | 2-мавзе, Арнасой кўчасида савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (ер майдонинида жойлашган канализация тармоғини кўчириш шарт билан)                       | 0,036                        | 2 645 160            |
| 6                      | Қитроғи кўчасида савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (сўрабдан ер майдонинида жойлашган телефон ва кам қувватли электр тармоқларини кўчириш шарт билан) | 0,03                         | 3 456 600            |
| <b>Ҳамза тумани</b>    |                                                                                                                                                                |                              |                      |
| 7                      | Ҳосият кўчасида минимаркет                                                                                                                                     | 0,1                          | 5 614 000            |
| 8                      | Тошкент - ҳалқ йўлида маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси                                                                                                        | 0,2                          | 16 171 000           |
| 9                      | Қурувчилар кўчасида маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси                                                                                                          | 0,02                         | 2 782 400            |
| 10                     | Чулпон ота кўчасида маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси                                                                                                          | 0,2                          | 12 537 000           |
| 11                     | 3.Шамсуддинова кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювчи мажмуаси                                                                                 | 0,12                         | 30 185 400           |
| 12                     | Қурувчилар кўчасида савдо мажмуаси                                                                                                                             | 0,06                         | 2 559 600            |

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00 да, бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истиғини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархдан 5 фоиз миқдоридида, бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситалари учун бошланғич нархдан 10 фоиз миқдоридидаги закатат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуй-жойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А»-уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 23 январь куни ўтказилган аукцион савдоларида:

«Тошшаҳарйўловчипитранс» давлат уюшмаси Транспорт хизматлари си-

да кўчаси 7-уйда жойлашган «IPAK AVTO» масъулияти чекланган жамиятининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

-1987 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-ММЗ-45021 русумли давлат белгиси 10AJ851. Бошланғич нархи 1029000 сўм.

-1987 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-3303-01 русумли давлат белгиси 10AJ 864. Бошланғич нархи 608 000 сўм.

-1988 йилда ишлаб чиқарилган ПАЗ-672 русумли давлат белгиси 10AJ 855. Бошланғич нархи 1 845 000 сўм.

-1980 йилда ишлаб чиқарилган ЛАЗ-697 Р русумли давлат белгиси 10AC 917. Бошланғич нархи 2 968 000 сўм.

-1989 йилда ишлаб чиқарилган КАВЗ-3270 русумли давлат белгиси 10AJ 844. Бошланғич нархи 1 625 000 сўм.

Тошкент шаҳрининг қуйидаги манзилларида жойлашган ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари

|                             |                                                                                                                           |       |            |
|-----------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|------------|
| 13                          | Лисунов ва Иззат кўчалари кесиниш жойда минимаркет                                                                        | 0,01  | 2 662 800  |
| 14                          | Калишев кўчасида савдо-маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси                                                                 | 0,04  | 3 408 600  |
| 15                          | Калишев кўчасида савдо-маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси                                                                 | 0,04  | 3 408 600  |
| 16                          | Тошкент ҳалқ йўлида қаҳвахона                                                                                             | 0,02  | 2 727 200  |
| <b>Миробод тумани</b>       |                                                                                                                           |       |            |
| 17                          | У.Олимбеков кўчасида чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа сақлаган ҳолда мажмуа даракларини сақлаб қолди шарт билан) | 0,06  | 5 250 600  |
| 18                          | Фитрат кўчасида савдо дўкони                                                                                              | 0,03  | 2 173 200  |
| <b>Собир Раҳимов тумани</b> |                                                                                                                           |       |            |
| 19                          | Фаробий кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювчи мажмуаси                                                   | 0,05  | 30 417 250 |
| <b>Бектемир тумани</b>      |                                                                                                                           |       |            |
| 20                          | Х.Бойқаро кўчасида супермаркет                                                                                            | 0,02  | 1 681 000  |
| 21                          | Х.Бойқаро кўчасида маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси                                                                      | 0,03  | 2 118 000  |
| 22                          | Лойхаддаги Г-60,0 м кўчасида савдо дўкони                                                                                 | 0,02  | 1 681 000  |
| <b>Мирзо Улуғбек тумани</b> |                                                                                                                           |       |            |
| 23                          | Гуслара кўчасида дўкон                                                                                                    | 0,015 | 4 277 250  |
| 24                          | Лафари кўчасида минимаркет                                                                                                | 0,032 | 3 559 640  |
| <b>Юнусов тумани</b>        |                                                                                                                           |       |            |
| 25                          | Г.В.Полковник Хужев кўчасида савдо маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси                                                      | 0,03  | 3 432 750  |

фатини назорат этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

-давлат рақами 10 AC 418 бўлган «Дамас» 2 350 000 сўмга;

-давлат рақами 10 AJ 415 бўлган «Тико» 2 150 000 сўмга;

«O'ZPAXTASANOAT» Ўзбекистон пахта саноати уюшмасининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

-давлат рақами 10 AL 243 бўлган «ГАЗ-31029» 800 000 сўмга;

-давлат рақами 10 AI 983 бўлган «ИЖ-2715-014-01» 600 000 сўмга;

-давлат рақами 10 AG 608 бўлган «Тойота-Карина Е» 6 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 30 январь куни ўтказилган танлов савдоларида:

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Пушкин Салор кўчаси, 1 «В»-уйда жойлашган 380-болалар боғчаси 62 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

## Спорт

ШАХМАТЧИЛАР  
ДОНА СУРМОҚДА

Ўтган куни Республика шахмат-шашка клубида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бошланди.

Турнирда Республикамизнинг турли вилоятларидан таширф буюрган тўқсонга яқин шахматчилар иккита гуруҳда галаба учун курашишмоқда.

Чемпионат низомига кўра ғолиблар жаҳон чемпионатига йўлланма олиш, иккинчи ўрин соҳиблари эса Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиши кўзда тутилган.

Мусобақалар яна бир ҳафта давом этади.

МАЙДОНДА  
ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР

Наманган шаҳрида волейбол бўйича аёллар ўртасида Республика чемпионатининг 2-тур беллашувлари ўз нихосига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олаётган талабалардан ташкил этилган «Тўмарис-СКИФ» жамоаси Наманган, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Фарғона командаларини биринкетин маглуб этиб 20 очко жамғарган ҳолда биринчи ўринда бормоқда.

Наманган педагогика коллежи ва Самарқанд кооператив институти командалари жамғармасида 17 тадан очко бўлиб, улар қуш нишонларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Аёллар ўртасида волейбол бўйича мамлакат чемпионатининг 3-тур баҳслари Самарқанд кооператив институти спорт залида 1 мартдан бошланади.

АФИНАГА  
ЙЎЛЛАНМА УЧУН

Эртага ўқ отиш спорти бўйича терма жамоамиз аъзолари Малайзияга 6-19 февраль кунлари бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш учун жўна кетишади.

Дилшод Мухторов, Иван Шахов, Вячеслав Скоромнов, Энвер Османов, Алексей Ремнёв, Сергей Смесов, Тўлқин Гаффаров, Алёна Аксанова, Юлия Шахова каби етакчи мерганларимиз Куала Лумпур шаҳридаги қизгин беллашувларда юқори натижаларни кўрсатган ҳолда шу йили Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиадага йўлланма олишга ҳаракат қилишади.

Биз мерганларимизга Осиё чемпионатида зафарлар тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Чап қулоғим остидаги мошдеккина без нўхатдай катталашганидан бироз ташвишланиб юрдим. Қўл ёки оёқда бўлса қоши эди-и. У кўринадиган жойдалиги чатоқ эди. Ҳазилкаш ўртоқларимнинг «Ия, қулоғинг тагидан учинчи қулоқ ўсиб чиқяптими?» деб аския қилишларидан чўчирдим. Бу без қўрғур яна ёнғоқдек, кейинчалик олмадек бўлиб катталашидан кўриб «Пайтида олдириб ташламасам бўлмайди» деган қатъий қарорга келдим.

Аввалига маҳалламиздаги поликлиника жарроҳига олдиришни мўлжалладим. Рост-да, катта операция эмас-ку ахир. Кичкинагина пичоқчиси билан безнинг устига арзимаган чизик тортди, «пинцет» деган оташкураги билан шундай қисиб олиб ташлайди-қўяди. Сўнг устига зелёнка ё йод суркаб «Ана энди кетаверинг» дейди, вассалом. «Қўл ҳақи» деб албатта чўнтагига бир-икки минг солиб қўйиш турган гап.

Бироқ, кейин яна иккиланиб қолдим. «Шошма, поликлиника жарроҳи номига жарроҳ бўлиб, тагин қош қўяман деб кўз чиқариб юрмасин. Яхшиси, ТошМИга бора қолай» деб, сўраб-сўраб тегишли хонага кириб бордим.

Мени барваста қоматли, ёши элликлари қоралаган, тилла тишлари бор, оқ халатли киши худди қадрдон дўстини кўргандек илик кутиб олди:

— Эй, отахон! Келинг, келинг. Соғлиқлар яхшими, бардам юрибсизми? Қайси шамол учирди биз томонларга. Хўш, хизмат?

Қулоқ остидаги безни кўрсаткич бармоғим билан кўрсатиб, мақсадни тушунтирдим. Жарроҳ мени махсус креслосига ўтказиб, безни бармоқлари билан

шошмасдан обдон енгил-елпи ушлаб кўрди-да:

— Вой бўй! Буни операция қилиб олиб ташламаса, илдиэ отиб кетиши ҳеч гап эмас. Хўп. Қачон операция қиламиз?

— деди ваҳимали оҳангда.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ, мен тайёрман,

— дедим хотиржам.

Шундай қилиб, кичкинагина безни операция қилишга катта тайёргарлик бош-

роҳ:

— Скалпел?— деди ҳамширага. Ҳамшира дарров скалпелни унга қаққонлик билан тутқади. Сўнг менга гап қота бошлади:

— Мана, энди операцияни бошласа бўлади. Кўркмаёписизми, отахон?

—...

Асло кўркманг. Аммо, лекин жуда вақтида келдингиз-да. Бўлмаса, худо кўрсатмасин... Хўй, мана тутилмаган яп-янги скалпелни ишга соляпмиз (бу гал ҳам скалпелнинг яп-янгилиги таъкидлаб ўтилди!).

Пировардида операция бошланди. Мен креслода ўзимдан ўтганини ўзим биллиб ўтирибман. Жарроҳ ҳамширалардан буйруқни аниқ бажаришни талаб қила туриб, мендан ҳам дам-бадам «Кўркмаёписизми, огримаёптими?» деб сўраб-сўраб қўяди. У ҳар гал сўраганда секингина «йўқ» деб жавоб қиламан.

Операция мен кутгандек беш-ўн дақиқага эмас, балки бир соатларга чўзилдиёв. Операция тугагач, шифохона кийими ечилди. Шифокор мени «операциядан кутулиб олганим» билан ўта сажимий равишда табриклагач, «кесилган жой янги игна ва янги иг» билан тикилганини алоҳида таъкидлаб, бир ҳафтадан кейин ипни олдиргани келишимни уқтирди.

Операция жараёнида менга кўрсатилган куюқ такаллуфлар, игнадан тортдиб, игнага, асбоблар қийимлар — барчасининг янгилиги нимага шама қилинаётганлигидан дарак берарди.

Нихоят, «сертакаллуф» жарроҳ нўхатдек келадиган безни «катта операция» қилиб, ҳеч қандай қорғозга имзо ҳам чектирмай нақ йигирма минг сўм «қўл ҳақи»ни санаб олди.

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ

СЕРТАКАЛЛУФ  
ЖАРРОҲ  
Ҳажвия

ланди. Дастлаб мени бошдан-оёқ кийинтиришди. Яъни, оёғимга оқ сурдан тиклан маҳси, эғнимга оқ халатга ўхшаш фартукмий, ниманидир кийдиришди. Юзимни ҳам сочиққа ўхшаш нима биландир беркитишди. Асло чўчимамай бамайлихотир ўтирган одам ўзимни манави ваҳимали кийимда кўриб юрак бироз увиша бошлади. «Эй Худо, ишқилиб шу хонадан эсон-омон чиқиб кетай-да!» деган ният билан операцияни кутиб ўтирибман (таажубки, шу тоғда жарроҳ кийдирилган «кийимлар»нинг янгилигини менга негадир таъкидлаб ўтди!).

У оқ халатли бир ҳамширага асбобларни келтиришни, иккинчи ҳамширага эса мени назорат қилиб туришни буюрди. Ҳаммаси бўлиб «атиғи» уч киши атрофимни ўраб олишди. Этни ўлдирадиган укол қилинди. Орадан ўн дақиқалар ўтган жар-

## РАҚС МАКТАБИ ТАШКИЛИ ТОПДИ

Мамлакатимизда болалар хореография санъатини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Таникли санъаткорлар раҳбарлигида ташкил этилган рақс студиялари фаолиятлари ҳам яхши йўлга қўйилмоқда.

Тошкентда шахсий рақс маҳорати санъати мактабининг юзага келиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Машҳур раққоса, халқ артисти Бернара Қориева сазй-ҳаракати билан Ўзбекистонда биринчи бор ташкил топган бу истеъдод ва маҳорат даргоҳида ҳаваскор ёшлар билан амалий машғулотлар олиб борилиб, уларнинг бадий камолоти таъминланади.

Ўзбекистон Бадий академияси бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаб мактабга ўз биносидан жой ажратди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Дзю-до

ГИЛАМДА — ИҚТИДОРЛИ  
ЁШЛАР

Икки кун давомида «Динамо» спорт залида 1985-86 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзю-до бўйича «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамияти биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Қизиқарли беллашувларда «Трактор», «Динамо» спорт жамиятлари, Мудофаа вазирлиги спорт клуби, 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Республика олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчилари бўлмиш етмишга яқин ёш, иқтидорли яккакураш усталари иштирок этиб, галабага бўлган иродаларини намойиш қилишди.

Шу тариқа, ҳал қилувчи баҳслардан сўнг шахсий ҳисобда энг енгил — 55 килограммгача вазнда Амир Қориев («Динамо») зафар кўчган бўлса, кейинги вазнда ҳам омад динамочи Шоҳрух Шукуровга қулиб бокди. 66 ва 73 килограммгача вазнларда эса Республика олимпия заҳиралари коллежи вакили Бахти-

ёр Отамуродов ҳамда Игорь Носков (МХСК)га тенг келадиганлар топилмади.

Қолган вазнларда мусобақа ғолиблари сафларини Рамазон Такоев, Самет Тончуев, Руслан Холмуродов ва Одилжон Тулендибоевлар бошқаришди.

Умумжамоа ҳисобида майдон эгалари — «Динамо» клуби 1-ўринни эгаллаган бўлса, Республика олимпия заҳиралари коллежи ва МХСК дзюдочилари кейинги ўринларни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)  
СУРАТДА: гиламда — ёш дзюдочилар.

Алексей Попов олган сурат.



Сўзас сурат.  
Абдурашул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
ўйонлар:  
133-28-95, 132-41-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 бося табоқ офсет усулида босяди.  
5576 нусхада босяди. Қороз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент поштига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акционерлик компанияси босямоҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.